

Эски намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномалари амал қилишига 6 ойдан қамроқ вақт қолди.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 мартдаги «Миллий ҳайдовчилик гувоҳномасининг ҳамда автотранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг янги намуналарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 116-сон қарорига кўра, янги намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини алмаштириш муддати 2021 йил 31 декабрь кунига қадар белгиланган.

Ваколатли органдан олинган статистик маълумотларга кўра, 2017 йил 1 октябрдан 2021 йил 1 июнига қадар республикаимиз бўйича 4.600.000 дан ортиқ ҳайдовчилардан 2.200.000 (50%)га яқин ҳайдовчилар эски ҳайдовчилик гувоҳномасини янги намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномасига алмаштиришган.

Бугунги кунда Давлат хизматлари марказлари орқали мурожаатчиларга тез ва қулай тарзда хизмат кўрсатиб келинмоқда.

Хусусан, миллий ҳайдовчилик гувоҳномаларини гувоҳноманинг янги намуналарига алмаштириш ҳайдовчилар томонидан паспорт ва эски намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси ҳамда унинг талони тақдим этилганда амалга оширилади.

Шунингдек, қарорга кўра, эски намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномалари ҳамда автотранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар 2022 йил 1 январдан бошлаб ҳақиқий эмас деб ҳисобланиши белгиланган.